

Ирригация институтига бириктирилган мактабларда «Сўнгни қўнғироқ» тадбирлари бўлиб ўтди

Бугун мамлакатимиз барча ҳудудларидаги умумтаълим мактабларида сўнгни қўнғироқ тадбирлари ўзгача шукуҳда бошланди. Боиси, республикаимиз бўйича 438 минг нафарга яқин ўқувчи-ёшларимиз бугун етуклик шаҳодатномасини қўлга киритишмоқда. Кунги кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 24 майдаги 02-1771-сонли топшириғига биноан жорий йил 25 май кунги мамлакатимиздаги барча мактабларида «Сўнгни қўнғироқ» тадбирларини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш, битирувчиларга «Оқ йўл» тилаш тадбирларини юқори даражада ташкил этиш белгилаб берилди.



Мактаб битирувчиларининг ана шундай қувончли онларига шерик бўлиш, уларниг қалбларига янада қувонч улашиш мақсадида, бугун Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ) раҳбарияти жамоаси ҳам ректор Ўктам Умурзаков бошчилигида пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган, институтга бириктирилган 64, 50, 18 ҳамда гуманитар йўналишдаги мактабларда ўтказилган тадбирларда иштирок этишди. Институт ва мактаб ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик доирасида мазкур таълим муассасаси битирувчиларини ҳаётларининг янги, янада масъулиятли босқичига қадам қўяётгани ва «Сўнгни қўнғироқ» билан муборакбод этишиб Муҳтарам Президентимизнинг мамлакатимиз битирувчиларига йўлланган табригини ўқиб эшиттиришди.



Уларга келгуси ҳаётларида олдиларига қўйган мақсадларига эришиши, олий ўқув юртига кирадими, бирор касб эгаси бўладими, юртимиз тараққиёти, унинг ривожини, эртанги кунини учун керакли инсонлар бўлиб етишишларида омадлар тилашди. Сув хўжалигини ва муҳандислик йўналишлари бўйича келгусида ўқишни давом эттирмоқчи бўлган ўғил-қизларни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига ўқишга таклиф этишди. Мактаблардаги «Сўнгни қўнғироқ» тадбирлари ўйин-кулгуга бой ҳамда қизғин тарзда давом этди.



ТИҚХММИ матбуот хизмати